

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**УРУНБАЕВА ЮЛДУЗ ПИРНАЗАРОВНА**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА  
АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**08.00.05-Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Урунбаева Юлдуз Пирназаровна**

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш  
даражасини ошириш истиқболлари.....3

**Урунбаева Юлдуз Пирназаровна**

Перспективы повышения уровня жизни населения на основе  
развития сферы услуг.....27

**Urunbaeva Yulduz Pirnazarovna**

Perspectives of increasing living standard degree based on  
development of service sphere.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**УРУНБАЕВА ЮЛДУЗ ПИРНАЗАРОВНА**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА  
АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**08.00.05-Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2018 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. PhD/Iqt27 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухаммедов Мурод Мухаммедович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Иватов Ирисбек**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_03\_\_» май соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-38-72; факс: (99866) 231-12-53, e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 006 рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60. Тел.: (99866) 231-07-45.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_14\_» апрел куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_14\_\_» апрелдаги 06 рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**И.С.Тухлиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси қатор муҳим омиллар уйғунлигида тавсифланувчи хизмат кўрсатиш соҳасининг кўлами, унинг муҳим макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши, аҳоли жон бошига хизматларнинг ҳажми орқали аниқланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси муайян давлат иқтисодиётига катта ижобий таъсир кўрсатади ва тўғридан-тўғри аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Бинобарин, ривожланган мамлакатларда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 74 фоизни<sup>1</sup>, умумий бандликда 70-75 фоизни ва жами корхоналар таркибида 90-95 фоизни ташкил этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ислоҳ қилишнинг, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишда ушбу соҳадан самарали фойдаланишнинг, соҳа тармоқлари ва уларнинг таркибидаги хўжалик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг, хизматлар соҳасини устун ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳозирги даврда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий-методологик, услубий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг миллий иқтисодиётдаги мавқеини мустаҳкамлаш; соҳа тармоқларини модернизациялаш ва замонавий техника ва технологияларни жорий этиш; хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги ролини мунтазам равишда ошириб бориш, аҳоли истеъмоли таркибида хизматлар улушини кўпайтириш ва бошқалар.

Жаҳонда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга замин яратадиган замонавий илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларининг тадқиқи бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сон «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> <http://bukvi.ru>

<sup>2</sup> John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World:Europe, 2016. P. 18 ISSA.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий - ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли турмуш даражаси ва уни оширишнинг методологик муаммоларини ўрганишнинг айрим назарий асослари кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқот йўналишидир. Бу борадаги илмий қарашлар А.Смит, А.Маршалл, Дж.М.Кейнс, Ф.Хайек, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари Д.А.Кузьмин, Р.М.Нуреев, Н.А.Горелов В.М.Жеребин., А.Н.Романов<sup>3</sup> ва бошқа қатор олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Республикада кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва уни ошириш муаммолари иқтисодчи олимлар, жумладан: Қ.Х.Абдурахмонов, Ё.Абдуллаев, А.Ўлмасов, Н.Т.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Ж.Р.Зайналов, К.Б.Уразов, Д.Х.Асланова, Қ.Ж.Мирзаев, Г.К.Саидова, Х.С.Мухитдинов, Б.Ш.Сафаров, Б.Ш.Махкамов, О.М.Пардаев, М.Т.Алимова муносиб ҳисса кўшганлар<sup>4</sup>.

---

<sup>3</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Пер.с.англ.Е.М.Майбурда.- М., 1993. - С.572.; Маршалл А. Принципы экономической науки, [institutiones.com / download/ books / 1229 - principy-ekonomichskoj-nauki.html](http://institutiones.com/download/books/1229-principy-ekonomichskoj-nauki.html); Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: [Перевод].- М.: Гелиос АРВ, 2002.- С.352.; Хайек Ф. Дорога к рабству. / Пер. с англ. М.: Новое издательство, 2005.- С.264.; Брю С. Л., Макконнелл К.Р. Экономикс: краткий курс: Пер. 10-го англ.изд. ИНФРА, - М., 2015.; Кузьмин Д.А. Экономический анализ: теория и практика. - М., 2015. - С. 26-35.; Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики.- М., 2008. - С 19.; Горелов Н.А.и др. Политика доходов и качество жизни населения. Спб.: Питер, 2003.- С 217.; Жеребин В.М., Романов А.Н.Уровень жизни населения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2002.- С 224.

<sup>4</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик, -Т., 2009. - 512 б., Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие.-Т., 2013.- С.248; Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: Меҳнат, 2002.-297б.; Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодий назарияси. Дарслик. - Т.: Шарқ, 2014. – 480 б.; Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос. науч. изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 б., Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. «Zarafshon» нашриёти ДК - С.: 2017.-299 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар Занятость, доходы и уровень жизни. Монография. – Т.: Иқтисодий, 2016. – 252 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари -Т.: Наврўз, 2014. – 246 б.; Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризм:назария ва амалиёт. Дарслик. -Т., 2018. – 417 б.; Зайналов Ж.Р. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда инновациянинг аҳамияти // Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантириш истикболлари. Республика илмий-амалий анжумани. – СамИСИ, 2015. 229-231-б.; Уразов К.Б. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари // «Сервис» журнали – 2009. №1-107-114 б.; Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма -Т.: «Iqtisod-Moliya» 2014. – 382б.; Саидова Г.К. Узбекистан входит в ТОП-5 стран мира, демонстрирующих высокие темпы экономического роста. Интернет-журнал URI: [http://economies.Uzreport.uz / news\\_r / 104348.html](http://economies.Uzreport.uz/news_r/104348.html) (24.10.2014г.); Мухитдинов Х.С.Аҳоли турмуш даражасини моделлаштириш. – Т.: 2005. – 196 б. Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: докторлик дисс автореферати – Самарқанд, - 2016. -33б.; Махкамов Б.Ш. Глобаллашув ва иқтисодий модернизациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш: докторлик дисс автореферати – Самарқанд,- 2016.-31 б.; Пардаев О.М. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: докторлик дисс автореферати. – Самарқанд,- 2017.-33 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари: (Самарқанд вилояти мисолида) докторлик дисс автореферати. – Самарқанд, - 2016.-32 б.

Юқорида номлари қайд этилган иқтисодчи олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасига оид илмий изланишларининг аҳамиятини, уларнинг ушбу соҳа фани ривожига қўшган улкан ҳиссаларини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг тадқиқотларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш масалалари илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш, ҳозирги кунда мавжуд муаммоларни аниқлаш, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини умумлаштириш асосида хизматлар бозорини ривожлантириш, унинг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсирини кучайтириш билан боғлиқ илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатлари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш ўта муҳим ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, мазкур диссертация мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ФА-Ф1-Г029 «Қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг концептуал йўналишлари» мавзусидаги давлат гранти асосида фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда ва аҳоли турмуш даражасини оширишда тутган ўрнини асослаш;

«хизмат», «хизмат кўрсатиш», «сервис», «аҳоли турмуш даражаси» каби атама ва иқтисодий категорияларнинг мазмунини ўрганиш, уларга назарий жиҳатдан аниқликлар киритиш ҳамда илмий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни таҳлил этиш орқали соҳанинг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;

ижтимоий хизматларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмини такомиллаштириш асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг алоҳида тармоқларининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу йўналишда келажақда фойдаланиш мумкин бўлган имкониятларни аниқлаш;

хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларида ишчи-ходимларнинг расмий ва норасмий манбалар ҳисобидан оладиган ялпи даромадларини шакллантиришни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболларини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳаси ва Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий таҳлил, мантиқий таҳлил, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, кузатиш, умумлаштириш, статистик гуруҳлаш, корреляция-регрессия, башоратлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«аҳоли турмуш даражаси» тушунчасининг хизматларни ўзида акс эттирувчи янги тахрирдаги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш соҳасида ялпи даромадларни шакллантиришни такомиллаштириш мақсадида меҳнат бозоридаги вазиятни баҳолашда «Меҳнат бозорининг тўйинганлик даражаси» ҳамда «Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабнинг қондирилиш даражаси» кўрсаткичларини қўллаш таклиф этилган;

кам даромадли оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлашда ушбу тоифадаги оилаларнинг қўшимча даромад олиш имкониятлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари аниқланиб, келажакда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошириш истиқболлари асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хизмат кўрсатиш соҳаси билан аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифати ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқлик мавжудлиги асосланган, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосида аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтириш имкониятлари аниқланган;

мустақиллик йилларида мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида содир бўлган сифат ва миқдор ўзгаришлар, соҳа ривожланишининг асосий тенденциялари аниқланган, ушбу соҳанинг аҳоли реал даромадлари, бандлиги, истеъмоли ва бошқа муҳим кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва соҳани ривожлантириш йўллари асослаб берилган;

ижтимоий хизматлар механизмини такомиллаштириш асосида кам даромадли оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга ажратилган молиявий ресурсларни манзилли тарзда тақсимлашни таъминлаш йўли билан уларни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш



ва давлатнинг ушбу мақсадлар учун ажратилган молиявий ресурслари самарадорлигини оширишга эришилган;

аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари аниқланиб, келажакда аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошириш истиқболлари илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўлланилган услубий ёндашув ва усуллар, Basic Statistics, Correlation Matrices, Multiple Regression модулларидан фойдаланилгани, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилгани, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилингани олинган хулоса ва натижаларнинг ишончлилигини белгилаб беради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш мумкинлиги, уларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг аҳоли турмуш даражасини шакллантиришдаги ролини баҳолашда, соҳадаги мавжуд ички имкониятларни ахтариб топиш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор тараққиётини таъминлаш имконини яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан республика ва худудлар кесимида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Президент қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда, шунингдек, соҳани самарали ривожланишига қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари юзасидан олинган илмий тавсиялар асосида:

«аҳоли турмуш даражаси» тушунчасининг хизматларни ўзида акс эттирувчи янги тахрирда ишлаб чиқилган такомиллашган таърифи «Иқтисодиёт назарияси» бўйича ўқув қўлланмада ўз аксини топган (гувоҳнома №137-059, 2016 йил 6 апрел). Мазкур натижанинг ўқув жараёнига жорий қилиниши хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги роли тўғрисидаги билимларнинг чуқурлашувиغا хизмат қилади;

хизмат кўрсатиш соҳасида ялпи даромадларни шакллантиришни такомиллаштириш мақсадида меҳнат бозоридаги вазиятни баҳолашда қўллаш учун таклиф этилган «Меҳнат бозорининг тўйинганлик даражаси» ҳамда «Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабнинг қондирилиш даражаси» кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 18 январдаги 03-08/295-сонли хати). Мазкур тавсия ва таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида замонавий техника билан жиҳозланган иш ўринлари яратилиши, меҳнат унумдорлиги ўсиши асосланган ва шунга мос равишда, савдо хизматлари ҳажмининг ошишига эришилган;

ижтимоий хизматлар механизмини такомиллаштириш асосида кам даромадли оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга ажратилган молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги кам таъминланган оилаларга нафақалар тўлашни мониторинг қилиш бош бошқармасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 18 январдаги 03-08/295-сонли хати, 2018 йил 25 январдаги 08/396-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш натижасида республика ҳудудлари доирасида кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар сифатида ижтимоий нафақа олиб келаётган оилаларда хатлов ўтказилди ва бунинг эвазига кам таъминланган оилалар сони 20 фоизга қисқарган;

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг 2018-2021 йилларга асослаб берилган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 18 январдаги 03-08/295-сонли хати). Илмий асосланган прогноз кўрсаткичларининг жорий қилиниши Самарқанд вилоятида 2021 йилгача 5100 та янги иш ўринлари яратилиши мумкинлиги ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 59 та, жумладан 14 та ОАК томонидан эътироф этилган журналларда, 7 та хорижда, 38 та илмий амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 74 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 5 та ҳаммуалифликдаги монография, 2 та рисола, 4 та услубий қўлланма, 1 та ҳаммуалифликдаги электрон ўқув қўлланма, 1 та ўқув қўлланма, 1 та ҳаммуалифликдаги дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган журналларда 14 та, хорижда 7 та, илмий амалий конференция тўпламларида 38 та мақолалар нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, унинг ҳажми 151 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланиб, унинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар рўйхати ҳамда диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ҳозирги замон иқтисодиётида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари»**га бағишланган бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиёт нафақат ишлаб чиқариш, балки минглаб хизмат турларини мужассамлайдиган соҳалар мажмуига айланди. Хизмат кўрсатиш соҳаси бугунги кунда миллий иқтисодиётни жадал суъратлар билан ривожлантираётган, аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифатини яхшилашда юқори самара бераётган соҳадир. Ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги мавқеи мустақамланиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланганлиги жамиятнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Хизмат кўрсатиш соҳаси турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, табиий, қолаверса, маданий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишининг хосиласи бўлиб, пировард натижада, инсон турмуш даражаси ва сифатининг яхшиланиб боришида ўз ифодасини топади.

Диссертацияда ушбу соҳа борасидаги мавжуд билимларни чуқурлаштириш нуқтаи назаридан, «хизмат», «хизмат кўрсатиш», «сервис» атамаларининг диалектик асослари, хусусан, унинг мазмун-моҳияти, шаклланиш жиҳат ва йўналишлари, хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятининг илмий-назарий қирраларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «хизмат», «хизмат кўрсатиш», «сервис» тушунчаларига муаллифнинг янги тахрирдаги такомиллашган таърифлари берилиб, бунда уларнинг иқтисодий моҳияти жиҳатидан бир бирига яқин ўзаро алоқадорлигидан ташқари, фалсафий ёндашиш нуқтаи назаридан, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки инсоният жамиятининг ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат тамойиллари асосида ривожланиш хусусиятлари очиб берилди.

Бизнинг фикримизча, хизмат – бу аҳоли, давлат ва жамият эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга йўналтирилган, аҳоли турмуш даражасининг (барча табақаларининг маданий хордиқ чиқаришига, соғлиғига, илмий салоҳиятига, кайфиятига, ҳар кунлик рўзғор ташвишлари учун сарфлайдиган қимматли вақтларининг тежалишига) юксалишига кўмаклашадиган жараёндир.

Хизмат кўрсатиш – бу аҳоли ҳар бир қатламининг (эҳтиёж сезганда) моддий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва ушбу хизматларни ишлаб чиқарувчилари томонидан кўрсатилиши лозим бўлган фаолиятдир.

Сервис – ходимнинг моҳирлигидан келиб чиқувчи малакали ақлий меҳнатнинг ҳиссаси кўпроқ барча йўналишда кўрсатиладиган юқори сифат (янги замонавий технологиялар ёрдамида интернет, консалтинг, экзотик ва ҳ.к хизматларнинг аҳоли табақаларининг эҳтиёжига қараб кўрсатиладиган) кўрсаткичларга эга бўлган хизматдир.


Юқорида келтирган таърифимиздан, қолаверса, иқтисодий қарашлардаги илмий асосланган мулоҳазаларга (Ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатининг тўртинчи жилди «хизмат – иш; лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам; аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи») <sup>5</sup> таянган ҳолда, ушбу фаолият турлари аниқ манзилга мўлжалланган ҳаракат сифатида қаралиши лозим, деган назарий хулосага келинди. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ҳар қандай фаолият аксарият ҳолларда хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон (аҳоли) барча товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиси, истеъмолчиси ва сотувчиси вазифаларини ҳам бажаради. Демак, хизмат кўрсатиш соҳасидаги турли мулкдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти ҳам охир-оқибатда аҳолининг манфаатига, унинг талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Шу сабабдан, хизмат кўрсатиш соҳаси билан аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш, хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш асосида аҳоли моддий фаровонлигини оширишнинг чексиз имкониятларини аниқлаш нафақат «хизматлар» тушунчасига доир, балки «аҳоли турмуш даражаси» тушунчасини ҳам назарий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этиш лозим, деган назарий хулосага келинди.

Адабиётларда мавжуд илмий қарашларни танқидий ўрганган ва умумлаштирган ҳолда ҳамда амалга оширилган назарий тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражасига қуйидагича таъриф беришни маъқул деб топдик: аҳоли турмуш даражаси – кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у аҳолининг моддий ва маънавий неъматлар, турли-туман хизматлар билан таъминланганлик даражаси (истеъмол ҳажми) ҳамда қулай ва хавф-хатарсиз ҳаёт кечириш учун зарур шароитларнинг мавжудлигини ифодалайди. Аҳоли турмуш даражасига муаллиф талқинида берилган ушбу таърифда иқтисодиёт соҳасидаги адабиётларда мавжуд таърифлардан фарқли равишда, аҳоли турмуш даражасини белгилашда айнан хизматларнинг катта роли борлиги алоҳида эътироф этилган. Ишда адабиётларда ҳозиргача мавжуд бўлган таърифларнинг афзаллик жиҳатлари ва айни бир пайтда, муаллиф талқинидаги таърифларнинг улардаги айрим камчиликларни тўлдиришга қаратилганлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди.

---

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2008. - 395 б.



**1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсири<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-расмда диссертациянинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотлар жараёнида аҳоли турмуш даражаси ва хизматлар ўртасидаги узвий боғлиқликни, унинг табиати ва таъсири йўналишларини, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролига аниқликлар киритилган. Бизнинг назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири, уни шакллантиришдаги роли бир неча йўналишларда намоён бўлади. Келтирилган барча йўналишлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва аҳоли турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Хизматлар соҳасининг ривожланиш ва аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг таҳлили**» деб номланиб, унда хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденциялари, аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларига таъсири тадқиқ этилиб, уларни режалаштириш ва прогнозлашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсир кучини аниқлаш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни асослаш мақсадида аҳолини турмуш даражасига қараб тўрт гуруҳга (юқори, тўқ, ўрта ва эҳтиёжманд) бўлдиқ. Аҳолини турмуш даражасига қараб турли гуруҳларга таснифлашдан мақсад, унинг ҳар бир табақасига мос келадиган хизмат шакллари, турлари, сифати ва миқдорини аниқлашдан иборат. Биз ўтказган социологик тадқиқотлар оила даромадлари қанча юқори бўлса, уларнинг истеъмолида хизматларнинг, айниқса, юқори сифатли пулли хизматларнинг ҳам улуши шунча юқори бўлишини кўрсатди. Аксинча, эҳтиёжманд оилаларнинг истеъмолида моддий неъматлар (озик-овқат, кийим-кечак ва хоказолар) устунлик қилади, асосан, бепул хизматлар истеъмол қилинади (1-жадвал). Ушбу оилаларда пулли хизматлар эса кам миқдорда истеъмол қилинади ёки умуман истеъмол қилинмайди.

#### 1-жадвал

#### Самарқанд вилояти оилалари ўртасида 2016 йилда ўтказилган ижтимоий сўров натижалари<sup>7</sup>

Аҳоли турмуш даражаси	Жавоблар		Хизматлар	
	сони (та)	улуши (фоиз)	тури (та)	танланган барча хизмат турлари сонидagi улуши(фоиз)
Юқори	91	12,3	50	87,7
Тўқ	209	28,3	49	85,9
Ўрта	399	54,0	39	68,4
Эҳтиёжманд	40	5,4	12	21,0
Жами	739	100,0	57	100,0

Хизматлардан фойдаланиш индекси=(50-12) / (57-12)=0,84.

Тадқиқот давомида аҳоли турмуш даражасини аниқлаш ва баҳолаш нуқтаи назаридан «юқори турмуш даража», «тўқ турмуш даража», «ўрта»,

<sup>7</sup>Сўровлар Самарқанд вилояти оилалари ўртасида ўтказилди.

«эҳтиёжманд» иқтисодий терминларининг мазмун-моҳияти, шаклланиш жиҳат ва йўналишлари, хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятининг илмий-назарий қирралари тадқиқ этилиб, муаллифнинг такомиллашган таърифлари берилди. Муаллиф талқинида берилган ушбу таърифларда аҳолининг турмуш даражаси билан унинг хизматларга бўлган талаби ўртасидаги боғлиқлик ўз ифодасини топди. Ишда иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларнинг афзаллик жиҳатлари ва айрим камчиликлари, аҳолини турмуш даражаси бўйича тоифалашга доир муаллиф ёндошувлари назарий жиҳатдан асосланди. Жамиятда аҳоли турмуш даражасини оширишга доир муаммоларни ҳал этишда айнан эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечираётган аҳоли қатламларини аниқлаб, уларнинг сонини узлуксиз камайтириб боришга жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Ушбу жараёни амалга ошириш мақсадида 2016 йилда Самарқанд вилояти бўйича эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечираётган аҳоли қатламларини аниқладик. Ўтказилган тадқиқотимиз қуйидаги натижаларни берди: эҳтиёжманд оилалар сони 8111тани ташкил этган ҳолда нафақа олувчилар сони 55433 тани ташкил этган. Ушбу оилалар ўртасида хатлов ўтказилиб, улар уч тоифага ажратилди ва ҳар бир тоифага нисбатан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, жумладан:

Биринчи тоифага давлат томонидан кам таъминланган оилалар учун кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш мақсадида ўз даромадларини яшириб келаётган ва натижада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олаётган (чет элдаги қариндошлари, бозор, уй хўжалигида чорва моллари ва бошқа даромад манбалари) оилалар киритилди.

Иккинчи тоифа рўйхатига кам таъминланган оилалар киритилган. Лекин, ушбу тоифага томорқа ер майдонларига эга бўлган ва ундан фойдаланиш эвазига даромад топиш имконияти мавжуд бўла туриб, кам таъминланган оила сифатида давлат бюджети маблағларидан ўринсиз фойдаланаётган оилалар киритилди.

Учинчи тоифага ногиронлиги бўлган шахслар, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, сурункали касал ва 16 ёшга тўлмаган фарзандларини тарбиялаётган оилалар (оналар) киритилди. Натижада, биринчи ва иккинчи тоифадаги асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олиб келаётган оилалар (11087 киши) сони 20 фоизга мақбуллаштирилди ва бу 2017 йилда моддий ёрдам 90,0 млн.сўм, 2 ёшгача нафақа 322,6 млн. сўм, 14 ёшгача нафақа 227,2 млн.сўм, жами 639,9 млн.сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиш имконини берди<sup>8</sup>. Иқтисод қилинган маблағлардан учинчи тоифадаги оилаларни ижтимоий химоя қилиш чоралари, сурункали касал фуқароларни даволаниш учун имтиёзлар кучайтирилди.

Оила даромадлари ва унинг хизматларга бўлган талаби ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақидаги тадқиқот натижалари хизмат кўрсатиш соҳасини, унинг пулли ва бепул шакллари, турларини вилоят ва туманлар

---

<sup>8</sup>Самарқанд вилоят Молия бош бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган кузатувлар ва таҳлиллар асосида аниқланган.

аҳолисининг пул даромадларига қараб жойлаштириш ва ривожлантиришни режалаштириш, унинг яқин ва узоқ келажакдаги истиқболларини белгилаш учун асос бўлмоғи керак, деган нуқтаи назар шакллантирилди.

Таҳлил натижалари хизмат кўрсатиш соҳаси охириги йилларда жадал ўсиш суръатига эга эканлиги ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссаси муттасил равишда ошиб бораётганлигини кўрсатди. Масаланинг эътиборли томони шундаки, аҳолининг яшаш даражаси яхшиланиб, фаровонлиги ошиб борган сайин, хизматларга бўлган талаб ҳам мос тарзда ошиб<sup>9</sup> борган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг 2010-2016 йилларда ўзгариши<sup>10</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							2016 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўзгариши (марга, фоиз)
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
		Ўзбекистон Республикаси							
1	Доимий аҳоли сони (минг киши)	29123,4	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5	31575,4	32120,5	110,3
2	Хизматлар ҳажми (млрд.сўм)	32466,8	40951,5	51121,1	65524,2	81901,0	75356,8	92536,0	2,8
3	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми (минг.сўм)	1115,0	1385,6	1716,9	2166,6	2640,0	2407,6	2905,6	2,6
Самарқанд вилояти									
1	Доимий аҳоли сони (минг киши)	3270,8	3327,2	3380,9	3445,6	3514,7	3583,9	3651,7	111,6
2	Хизматлар ҳажми (млрд.сўм)	1694,1	2284,1	3091,1	3986,1	4847,4	5249,9	6060,0	3,5
3	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми (минг.сўм)	518,0	686,5	914,2	1156,8	1493,7	1365,7	1675,0	3,2

Республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатдики, хизматлар ҳажми 2016 йилда 92536,0 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2010 йилга нисбатан 60069,2 млрд. сўмга кўп, яъни шу давр мобайнида ушбу кўрсаткич қарийб 3 баробарга ошган. Самарқанд вилоятида эса шу давр мобайнида ушбу кўрсаткич нисбатан (1694,1млрд. сўмдан 6060,0 млрд. сўмга) кўпроқ, қарийб 3,6 баробарга ошган. Аҳолининг

<sup>9</sup> Эслатма: 1996 йилда «истеъмол саватчаси» га киритилган товар ва хизматларнинг 73,9 фоизи озиқ-овқат, 17,8 фоизи ноозиқ-овқат, атиги 8,3 фоизи хизматларга тўғри келган бўлса, ушбу ҳолат бугунги кунга келиб кескин ўзгарди, яъни, 43,9 фоизи озиқ-овқат, 30,8 фоизи ноозиқ-овқат, 25,3 фоизи хизматларга тўғри келмоқда.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Самарқанд вилоят статистика бошқармаси хизмат кўрсатиш бўлими 2010-2016 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.



турмуш даражасига хизматларнинг ҳажми ҳамда уларнинг аҳоли истеъмолидаги улуши билан бир қаторда, уларнинг таркибий тузилиши муҳим рол ўйнайди. Таҳлил натижалари Самарқанд вилоятида хизматларнинг умумий ҳажмида асосий ўринни савдо хизматлари (35,1 фоиз), транспорт хизматлари (20,3 фоиз), автотранспорт хизматлари (18,5 фоиз) етакчи ўринни эгаллаб турганлигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда, айрим хизмат турларининг умумий хизматлардаги улуши (яшаш ва овқатланиш хизматлари 2,8 фоиз, соғлиқни сақлаш хизматлари 1,7 фоиз, меъморчилик, муҳандислик хизматлари 0,7 фоиз) республика кўрсаткичларидан анча фарқли бўлса-да, ҳали жуда паст ва Самарқанд вилоятида ушбу хизмат турларини юқори суръатларда ривожлантиришдаги мавжуд имкониятларга мос келмайди.

Таdqикотни чуқурлаштириш мақсадида хизматлар ҳажмининг ўзгариш тенденциялари Самарқанд вилоятининг шаҳарлари ва туманлари бўйича ҳам таҳлил қилинди. Диссертацияда 2010-2016 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида аҳолига кўрсатилган пулли хизматларнинг ривожланиш тенденциялари ва амалиётда мавжуд бўлган айрим ўзгаришларнинг сабаблари батафсил баён этилган.

Самарқанд вилоятида ва унинг туманларида кейинги йилларда хизматлар ҳажмининг жадал суръатлар билан ўсиши, хусусан, хизматлар умумий ҳажмида меҳнатни кўп талаб қиладиган хизмат турлари улушининг ўсиш тенденцияси мавжудлиги ишсизликни пасайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга катта ижобий таъсир кўрсатган. Агар 2010 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида 5896,0 минг киши банд бўлиб, у жами иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2016 йилда соҳада банд бўлганлар сони 6596,0 минг кишини ташкил этди. Шу давр мобайнида республикада доимий аҳоли сони 10,3 фоизга, иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 14,4 фоизга ўсган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони 11,9 фоизга кўпайди. Таҳлил натижалари айнан шундай жараёнлар Самарқанд вилоятида ҳам кечаётганлигини кўрсатди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонидagi миқдор ўзгаришлар билан бир қаторда, банд бўлганларнинг малакавий таркибида жиддий сифат ўзгаришлар содир бўлмоқда. Статистик маълумотлар таҳлили 2010-2016 йиллар мобайнида республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг деярли барча тармоқларида банд бўлганлар таркибида олий маълумотли мутахассисларнинг нисбий миқдори ошганлигидан далолат беради. 2016 йилга келиб, уларнинг тармоқда банд бўлган аҳоли сонидagi улуши молия ва суғурта хизматлари соҳасида 44,5 фоизни, тижорат хизматларида 43,7 фоизни, халқ таълими хизматларида 47,2 фоизни, ахборотларни етказиш хизматлари соҳасида эса 62,8 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли малакавий таркибида кечаётган бундай ўзгаришлардан бизнинг хулосаларимиз шундан иборатки, улар, бир томондан, хизматлар сифати ва самарадорлигининг ошиши ва аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсирининг кучайишига сабаб бўлса, иккинчи

томондан, шу соҳада банд бўлганларнинг ўртача иш ҳақи ва даромадларини кўпайтиради (демак, уларнинг ҳам турмуш даражаси ошади).

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолаш амалий нуқтаи назардан жуда муҳим, лекин илмий жиҳатдан анча мураккаб муаммо ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимиз ривожланган мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини оширишга маълум хизмат турларининг таъсирини муқобил математик модели яратилиб, уни атрофлича таҳлил қилиш орқали мазкур соҳа жараёнларига ўзгартиришлар киритиб бориш тажрибаси борлигини кўрсатди. Бизнинг фикримизча, соғлиқни сақлаш, таълим, савдо, суғурта ва бошқа айрим хизмат турларининг аҳоли турмуш даражасига таъсири ва уни кучайтириш соҳасидаги хориж тажрибаси эътиборга молик. Бироқ, Ўзбекистонда айрим хизмат турларининг ёки умуман хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини аниқлаш асосида хизмат соҳасини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўриш масалалари ҳали илмий асосда йўлга қўйилмаган. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини аниқлаш мақсадида улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни моделлаштиришнинг илмий ва методологик жиҳатларини ишлаб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқот жараёнида аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи омиллар таъсири кўп омилли корреляцион таҳлил асосида аниқланди. Мазкур корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширишда Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳасининг 2000-2016 йиллардаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасига тааллуқли бўлган ва аҳоли турмуш даражасини ошириш йўллари ва истиқболини ишлаб чиқиш учун ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматларнинг улуши ( $C_p$ )га кучли таъсир этиши мумкин бўлган омиллар танлаб олинди (хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар -  $z_1$ ; аҳолига пулли хизмат кўрсатиш -  $z_2$ ; товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар -  $z_3$ ; аҳоли истеъмол харажатлари таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши -  $z_4$ ; хизмат кўрсатувчи корхоналар сони -  $z_5$ ; хизмат кўрсатиш соҳасининг айланма маблағлари -  $z_6$ ; барча кўрсатилган хизматлар ҳажми -  $z_7$ ; хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган инвестициялар -  $z_8$ ).

Олиб борилган ҳисоб-китоб натижасига кўра регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$C_p = 29,73 + 0,004 z_7 + 0,012 z_2 + 0,003 z_8 \quad (1)$$

Ҳисоб-китоблар қуйидаги натижаларни берди. Ишончлилик даражаси  $p = 0,95$  бўлганда,  $t$  – Стъюдент<sup>11</sup> мезонининг жадвал қиймати  $t_{\text{жадвал}} = 2,36$  га тенг бўлди. Бизда  $t_{\text{ҳақиқий}} = 29,73$  ни ташкил этди. Демак, танланган модел учун  $t_{\text{ҳақиқий}} > t_{\text{жадвал}}$  дан катта бўлиб, ҳосил қилган тенгламамиз натижавий

<sup>11</sup> Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. Эконометрика. Начальный курс: учебник. - М.: Дело. 2005. - С-504., 78-79 стр.

белги билан омиллар ўртасидаги боғланишнинг ишончли ифодалаганлигидан далолат беради. Корреляция коэффиценти  $R=0,984$  ни ташкил этди.

Ҳисоб-китоблар натижаларидан иқтисодий хулоса шундан иборатки, Самарқанд вилоятида хизматлар ҳажми  $z_7$  нинг 1 фоизга ошиши ялпи худудий маҳсулотда хизматлар улушининг 0,004 фоизга ошишига, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш  $z_2$  нинг 1 фоизга ошиши унинг 0,012 фоизга ошишига, хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган инвестициялар  $z_8$  нинг 1 фоизга ошиши эса натижавий кўрсаткичнинг ( $C_p$ ) 0,003 фоизга кўпайишига олиб келади.

### 3 - жадвал

#### Аҳоли турмуш даражасига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион боғлиқлиги

Т/ р	Омиллар	Корреляция коэффиценти
1.	Хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар	0,93802
2.	Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	0,97865
3.	Товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар	0,95319
4.	Хизматларга кетган харажатларнинг жами харажатлардаги улуши	0,30266
5.	Хизмат кўрсатувчи корхоналар сони	0,72834
6.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг айланма маблағлари	0,86360
7.	Барча кўрсатилган хизматлар	0,98077
8.	Хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган инвестициялар	0,95976

Худди шу усул ёрдамида тадқиқот жараёнида Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси мисолида аҳоли бандлигига таъсир этувчи омилларнинг эластиклик коэффицентлари ҳисобланди ва уларнинг иқтисодий моҳияти асослаб берилди.


Диссертациянинг учинчи боби «**Аҳоли турмуш даражасини шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишнинг концептуал йўналишлари**»ни аниқлаш мақсадида, хизматлар ҳажмини кенгайтириш ва сифатини такомиллаштириш, соҳани ривожлантириш – янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ва соҳани ривожлантириш асосида аҳоли пул даромадларини ошириш истиқболлари ёритилган.

Мустақиллик йилларида муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлган, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида роли тобора ошиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда ривожлантириш, унинг аҳоли турмуш даражаси ва сифатини шакллантиришнинг етакчи омилига айлантиришнинг концептуал йўналишларини асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Истиқболда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсирини кучайтириш учун, биринчи навбатда, хўжалик субъектлари фаолиятини мунтазам равишда кенгайтириб бориш, анъанавий хизмат турларига талабни тўла қондириш билан бир қаторда, уларнинг янги турларига аҳоли кенг қатламлари эҳтиёжларини шакллантириш, хизматлар сифатини кескин кўтариш муаммоларини ҳал этиш лозим деб ўйлаймиз.

Илмий изланишлар жараёнида Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг 2021 йилгача ривожланиш истиқболлари асослаб берилди. Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқболли кўрсаткичларини ҳисоблашда учта муҳим ҳолат асос қилиб олинди. Биринчидан, таҳлил натижалари ҳамда Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг жами ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини (2021 йилда 51,9 фоиз) республика кўрсаткичлари даражасига (2021 йилда 54,5 фоиз) кўтариш зарурлиги. Иккинчидан, эконометрик функцияларни қўллаш йўли билан тренд усулидан фойдаланган ҳолда Самарқанд вилоятида 2021 йилгача хизматлар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариб бориши ҳисоблари натижалари. Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш вазифасининг қўйилганлиги. Ҳисоб-китоб натижаларининг кўрсатишича, прогноз қилинаётган давр мобайнида Самарқанд вилоятида аҳолига кўрсатилган хизматларнинг номинал қиймати 1,4 баробарга кўпаяди (инфляция ҳисобга олинмади).

Аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг кўпайиши шу соҳа корхоналарида инновацион жараёнларни кучайтириш, уларни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, янги хизмат кўрсатувчи корхоналар барпо этиш ва реконструкция қилишга эришилаётганлигидан далолат беради (2-расм).



**2-расм. Самарқанд вилоятида хизматлар соҳаси ҳудудий маҳсулоти кўрсаткичларининг 2018-2021 йилларда ривожланиш истиқболлари, млрд.сўм<sup>12</sup>**

Хизмат кўрсатиш соҳасининг бундай кўрсаткичлар билан ривожланиш истиқболлари аҳоли турмуш даражаси ва сифатида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келиши муқаррарлиги тадқиқот жараёнида математик усуллар ёрдамида исботланди. Келажакда вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланишининг аҳоли турмуш даражасига таъсири бир неча йўналишларда намоён бўлади. Биринчидан,

<sup>12</sup>Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

